

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

МИРАЛИЕВА ШАХНОЗА АБДУРАХИМОВНА

**ВИРТУАЛ МУЗЕЙЛАР ЯРАТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ
ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи. 17.00.06. – Музейшунослик. Тарихий-маданий
объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: 94(575.1): 069(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstracts of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Миралиева Шахноза Абдурахимовна

Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг
ривожланиш истиқболлари3

Миралиева Шахноза Абдурахимовна

Мировой опыт создания виртуальных музеев и перспективы их развития
в Узбекистане 25

Miralieva Shakhnoza Abdurahimovna

International experience of virtual museums foundation and their development of
prospects in Uzbekistan 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

МИРАЛИЕВА ШАХНОЗА АБДУРАХИМОВНА

**ВИРТУАЛ МУЗЕЙЛАР ЯРАТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ
ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи. 17.00.06. – Музейшунослик. Тарихий-маданий
объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tar18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzhistory.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хабибуллаев Нозим Насибуллаевич**
тарих фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Хасанов Бахтиёр Вахобович**
тарих фанлари доктори, профессор

Курязова Дарманжан Тураевна
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DsC. 06.01.2018 Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил “_____” _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41)

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ кунини тарқатилди.
(2019 йил “_____” _____ кундаги _____ рақамли реестр баённомаси билан.)

А. С. Сагдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор, академик

М. Х. Пайзиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби т.ф.н.

А. Х. Дониёров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Умуминсоний кадриятларнинг аҳамияти ортиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида дунё цивилизациясига асос бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни кенг оммага тарғиб қилиш долзарб масалага айланган. Музейларнинг ижтимоий-маданий қиммати, уларнинг жамият ва маданият ўртасидаги ўзаро таъсирни таъминлашдаги ўрнига катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан жаҳонда музейларни виртуаллаштириш амалиёти уларнинг коллекциялари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка онлайн тарзда етказиб беришнинг оммабоп ва тезкор шакли, музей маркетингининг янги, илғор усули сифатида жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Дунёнинг йирик тадқиқот марказларидан бири ҳисобланган музейларда, жумладан, ўзининг қадимий ва қимматбаҳо экспонатлари билан машҳур бўлган Метрополитен музейи, Смитсонов институти Америка бадиий музейи қошидаги Люс номли Америка санъати маркази, Британия, Лувр, Эрмитаж ва бошқа музейларда экспонатларнинг информатив ва экспрессив хусусиятларини аниқлаш, махсус кодларини (QR-код) яратишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, анъанавий абстрактликдан воз кечиб, аниқ мақсадли (таълим, коммуникацион, оилавий, кўнгилочар) аудиториялар учун комплекс экспозицион дастурларни ишлаб чиқиш, музейларни замонавий шахснинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи маданият институтига айлантириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, виртуал экспозицияларнинг дунё стандартларини ўрганиш ва жорий этиш, музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги аҳамиятини очиб бериш, уларни виртуаллаштиришда тарих, санъатшунослик, педагогика, психология ва техника соҳалари вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашнинг самарали механизмини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда музейлар жамиятнинг маънавий савиясини оширишга хизмат қилувчи ижтимоий-маданий институт сифатида алоҳида ўрин тутди. Зеро, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий маданий мероси ва тарихий ўтмишига ҳурмат ҳиссини сингдиришда музейларнинг роли ниҳоятда катта. Шу жиҳатдан “музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан “smart” – технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш”¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Lex.uz.

бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифалар ўз навбатида илмий-назарий жиҳатдан музейшунослик ва музейлар тарихига доир тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сонли “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир олиб борилган тадқиқотлар ва нашр этилган илмий мақолалар ҳудудий жиҳатдан таснифланиб, қуйидаги гуруҳларга ажратилди: АҚШ ва Европада замонавий музейшунослик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар; Осиё ва МДХ мамлакатларида музей иши ва замонавий музей коммуникациясига доир нашрлар ва Ўзбекистонда музей иши тарихига доир тадқиқотлар.

АҚШ ва Европа давлатларида олиб борилаётган музей иши, замонавий музей экспозицияларини ва виртуал музейларни яратиш билан боғлиқ изланишлар Д.И. Шапиро, В.Н. Касянов, Т. Бенетт тадқиқотларида ўз ифодасини топган². Унда музейларнинг ижтимоий, фалсафий, эстетик томонларини шаклланиши, музейларнинг илмий муассаса сифатида фаолият юритиши кўриб чиқилган. ИфORMацион технологияларнинг ижтимоий ҳаётга тезкор тарзда кириб келиши, Интернет орқали музейлар инсоният ҳаётига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши, виртуал музей лойиҳаларини яратишдаги илмий концепция ва дастурлар Э. Баночи ва Э. Иварссон тадқиқотларида очиб берилган³.

МДХ ва Осиё давлатларида виртуал музейлар яратилишининг аҳамияти, уларнинг моҳияти, виртуал музейларда бадиий хунармандчилик ашёлари акс эттирилиши, музейларнинг виртуал кўринишини яратишда кўрғазмаларни илмий-амалий асослаш, уларга бадиий ёндашиш, музейларнинг ифORMацион оламдаги ўрни, виртуал музейлар ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида, музейларда музей ва томошабин ўртасидаги замонавий визуал коммуникацияларнинг ривожланиши ҳақидаги масалаларга Н. Кононыхин, Т. Могиловская, Т.В. Абанькина, М.Ю. Юхневич, Б.Б. Пономарев,

² Shapiro D. I. Virtual Reality systems for museums and libraries proc. of EUA'96. — London, 1996; Ўша муаллиф. Virtual Reality for Museums: Imagery Knowledge and Creative Processes. - EUA'97, 1997; Kasyanov V.N. SVM — Siberian Virtual Museum of Informatics History // Innovation and the Knowledge Economy: Issues, Applications, Case Studies. — Amsterdam, 2005; Benett T. The birth of museum: history, theory. — London, 1995.

³ Bonacini E. Il museo contemporaneo fra tradizione, marketing e nuove tecnologie. — Roma. 2011; Ivarsson E. Definition and prospects of the Virtual museum. — Sweden, 2009.

А.Ю. Гиль, Л.Я. Ноль, Е.Д. Еременко, О.В. Шлыкова, М.А. Лаптева, Т.Е. Максимова, М.В. Глаголев, В.Т. Шеламова, И.В. Тявкин, Д.И. Жеребятьев, Н.Н. Заславецлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида атрофлича ёндашишган⁴.

Ўзбекистонда музей иши тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар, асосан, Н. Содиқованинг монографиясида ва бошқа илмий ишларида акс эттирилган. Ўзбекистонда музейларга бўлган эътиборнинг кучайганлиги, янги музейларнинг ташкил топиши, хорижий давлатлар билан маданий алоқаларни ўрнатишда музейлар ролининг ортиб бориши масалалари Р.В. Альмеев, Л. Левтеева, Д.Т. Курязова, Ш.М. Ўлжаева тадқиқотларида ўз ифодасини топган⁵. Замонавий жаҳон музейшунослиги ва унда Ўзбекистон музейларининг роли, музей педагогикаси масалалари Ж.Х. Исмоилова изланишларида акс этган. Шунингдек, Д.А. Курбонованинг илмий тадқиқотларида жаҳоннинг йирик музейлари тарихи, музейлардаги коммуникацион жараёнлар, музей маркетинги, у ерда Ўзбекистон тарихига оид ашёларнинг сақланиши, музейлараро ҳамкорликни ўрнатиш каби

⁴ Кононыхин Н. Музеи в Интернете и виртуальные музеи. – М.; Могилевская Т. Искусство в Интернете. – М., 2009; Юхневич М.Ю., Лебелев А.В. Музей и личность. – М., 2007; Абанькина Т.В. PR некоммерческой организации: теоретические основы современных PR-технологий и моделей коммуникации // Музей будущего: Информационный менеджмент. – М., 2001; Пономарев Б.Б. Музей как коммуникационная система: проблемы гармонизации историко-культурного и информационно-деятельностного компонентов: Автореф. дис...канд. культурол. наук. – Краснодар, 2002; Гиль А.Ю. Музей в культуре информационного общества: Автореф. дис...канд. филос. наук. – Томск, 2009; Ноль Л.Я. Информационные технологии в деятельности музея. Учебное пособие. – М., 2007; Еременко Е.Д. Аудиовизуальная коммуникация в музейной сфере: Дис...канд. культурол. наук. – СПб., 2000; Ўша муаллиф. Виртуальная реальность как феномен науки, техники и культуры // Доклады Всероссийского симпозиума. – СПб., 2002. – С.45; Шлыкова О.В. Социокультурная природа мультимедиа: Дис... докт. культурол. наук. – М., 2004; Лаптева М.А. Музей как социальный институт: Социально-философский анализ: Дис...канд. филос. наук. – Красноярск, 2006; Максимова Т.Е. Виртуальные музеи как социокультурный феномен: типология и функциональная специфика: Автореф. дис...канд. культурол. наук. – М., 2012; Ўша муаллиф. Виртуальные музеи: анализ понятия // Вестник Московского государственного университета культуры и искусств. 2012 – № 2. С.196–202; Ўша муаллиф. Виртуальные музеи: подходы к типологии // Вестник Московского государственного университета культуры и искусств. – 2012. – №4. – С.186–190; Глаголев М.В. Культурные ценности в контексте современного информационного пространства: Автореф. дис...канд. культурол. наук. – М., 2004; Шеламова В.Т. Автоматизированная система управления виртуальной музейно-образовательной средой: Автореф. дис...канд. техн. наук. – СПб., 2010; Тявкин И.В. Аналитические процедурные модели информационного пространства музея нобелистики: Автореф. дис...канд. техн. наук. – Тамбов, 2008; Жеребятьев Д.И. Методы исторической реконструкции памятников истории и культуры России средствами трёхмерного компьютерного моделирования: Автореф. дис...кан. ист. наук. – М., 2013; Заславец Н.Н. Информационное обеспечение музейной экспозиции: на примере Государственного исторического музея: Автореф. дис...кан. культурол. наук. – СПб., 2008.

⁵ Садыкова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975: Ўша муаллиф. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 270 б.; Ўша муаллиф. Мулки торож ўзбегим. – Тошкент: Фан, 1995. – 42 б.; Ўша муаллиф. Историография и источники по музейному строительству. – Ташкент: Фан, 1987. – 98 с.; Ўша муаллиф. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 1.2. – Б.16–28; Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом им. Гафура Гуляма, 2007. – 268 с.; Ўша муаллиф. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўргазмалаштириш // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. – № 2(38). – Б. 2–3; Ўша муаллиф. Бухара — город-музей. – Ташкент: Фан, 1983. – 129 с.; Ўша муаллиф. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991–2000гг.): Автореф. дис...докт. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 50 с.; Левтеева Л., Турсуналиев К. Музееология / Отв. ред. Хабибуллаев Н.Н. – Ташкент, 2008. – 332 с.; Kuryazova D.T. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. – 160 b.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Санъат, 2010. – 154 б.; Ўлжаева Ш.М. Музейшунослик. – Тошкент: УзМУ, 2002. – 76 б.

масалалар ёритилган⁶.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Темурийлар тарихи давлат музейи илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФТҚҚФ 7210 – “Виртуал кўрғазмалар ва уларнинг илмий-амалий асослари” ҳамда ФЕ1-ФА-1-14676 – “Ўзбекистон тарихига оид маданий-маънавий мероснинг хорижга тарқалиши ва уларнинг ватанимиз тарихини ўрганишдаги ўрни” номли фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистондаги музейларни виртуаллаштиришда жаҳоннинг илғор тажрибасини қўллаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуал экспозиция яратишнинг тарихий босқичлари ва асосий йўналишларини тадқиқ этиш;

музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги аҳамиятини, жамият ва маданиятнинг ўзаро таъсирини кўрсатиб бериш;

замонавий экспозициялар виртуал намойишининг имкониятларини, ижобий ва салбий жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш;

Европа, АҚШ, МДХ ва Осиёдаги бош музейларнинг экспозицияларини яратишда қўлланган инновацион усулларни, ишлаб чиқилган замонавий музей коммуникациясининг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва Темурийлар тарихи давлат музейига уларни татбиқ этиш;

Ўзбекистонда музейларни виртуаллаштириш муаммоларини ўрганиш;

музейларни дигитализациялаштириш, экспонатларни рақамли трансформациялаш орқали Ўзбекистон тарихини халқаро жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш имкониятларини очиб бериш;

очиқ осмон ости музейларини виртуаллаштириш ва уларни Ўзбекистон туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон музейларини виртуаллаштиришда жаҳоннинг илғор тажрибасини қўллаш юзасидан назарий хулосалар чиқариш ва экспонатларнинг махсус QR кодларини, 3D шаклларини яратишда саралаш мезонлари ҳамда тарихий маълумотлар базасини ишлаб чиқиш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жаҳоннинг йирик виртуал музейлари ва Ўзбекистондаги етакчи музейлар (Ўзбекистон тарихи давлат музейи,

⁶ Ўзбекистон музейлари истикболи / Илмий муҳаррирлар: Хабибуллаев Н., Исмоилова Ж. Тузувчи Қурбонова Д. Тошкент: Akademnashr, 2013. – 144 б; Исмоилова Ж., Муҳамедова М. Замонавий жаҳон музейшунослиги. – Тошкент: Munisdesing group, 2013. – 320 б; Исмоилова Ж. Музей предметлари атрибуцияси ва экспертизаси – Тошкент: Premier Print, 2013. – 224 б; Ўша муаллиф. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – 208 б.; Қурбонова Д. Франция-Лувр, Нью-Йорк Метрополитен санъат музейларида юритилаётган музей маркетинги хусусида // Устоз ва шогирд. Ўзбекистон Бадиий академияси К.Бехзод номидаги МРДИда ўтказилган Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.151; Ўша муаллиф. Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар / Хабибуллаев Н.Н. муҳаррирлигида. – Тошкент: Akademnashr, 2011.–56 б.; Қурбонова Д., Хабибуллаев Н.Н. Темурийларга оид дурдоналарнинг дунё бўйлаб тарқалиши. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 160 б.

Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ва Самарқанддаги Мирзо Улуғбек музейи) олинган.

Тадқиқотнинг предмети музейшунослик соҳасида инновацион технолигияларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари ва Ўзбекистонда тарихга йўналтирилган музейларнинг экспонатларини виртуаллаштириш муаммоларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик, гносеологик, экспериментал, диахроник, синхроник, компаратив, статистик, контент таҳлил ва интервью-сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳондаги йирик музейлар (Метрополитен, Люс номли Америка санъати маркази, Британия, Лувр, Эрмитаж ва б.)ни виртуаллаштиришнинг тарихий-тадрижий ривожланиш босқичлари очиб берилган (*шаклланиш босқичи*: 1930 – 1960 йиллар – аудиовизуал материалларнинг тўпланиши, илк голограммаларнинг яратилиши ҳамда 1990 йиллар – экспонатларнинг электрон шаклини тайёрлаш ва Интернет сайтларига жойлаштириш; *ривожланиш босқичи*: 2000 йилдан – экспонатларнинг 3D шакллари ва голограмма намоишларининг кенг қўламда жорий этилиши);

виртуал музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида жамият ва маданиятнинг ўзаро таъсирини таъминловчи интерактив-коммунакацион функцияси тизимли равишда асослаб берилган;

музей экспонатларининг махсус QR кодларини тайёрлашда уларни саралашнинг тарихий изчиллик, даврийлик, худудий, этнографик, ғоявий-эстетик мезонлари ишлаб чиқилиб, ушбу тамойиллар асосида Темурийлар тарихи давлат музейидаги 150 та экспонатнинг QR кодлари ва 2 та ноёб ашёнинг 3D ҳажмли шакли яратилган;

мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатлар, тематик экспозициялар ёрдамида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бой тарихимизни кенг оммага тарғиб қилиш, шунингдек, музей туризмни ривожлантиришда виртуал музейларнинг масофадан туриб кенг қамровли тарихий маълумотларни етказиб бериш афзалликлари тарихий материаллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

виртуал музейларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, виртуаллаштиришнинг ижобий ва салбий томонларига доир баҳсли мулоҳазалар ҳамда Ўзбекистон музейларида виртуал кўргазмаларнинг жорий қилиниши борасидаги илк тажрибаларга оид кенг қамровли маълумотлар тақдим этилган;

Ўзбекистонда музей туризмни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари, экспонатларнинг виртуал шакллари яратиш, кўргазмаларни очиқ осмон остидаги музейларга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих ва музейшунослик фанида тан олинган ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилгани, рус, инглиз ва ўзбек тилидаги илмий адабиётларнинг қиёсий

ўрганилганлиги, муҳим аудиовизуал материаллардан ва Интернет тармоғидаги расмий сайтлардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан асосланадики, тақдим этилган тизимли маълумотлар виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш ва ривожлантириш, замонавий музейларнинг илмий концепцияларини тузишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти улар жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, тарихий мерос, Ўзбекистон давлатчилиги тарихини тадқиқ этишда замонавий музейларнинг роли ортишига ва музейшунослик соҳасини ривожлантиришга бағишланган мақсадли давлат дастурлари бажарилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истиқболларига оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

жаҳоннинг йирик музейларини виртуаллаштириш тажрибаси, уларнинг *шаклланиши* (1930 – 1960 йй.) ва *ривожланиши* (2000 – йиллар) босқичлари, электрон экспозицияларни яратишнинг жаҳон стандартлари ҳамда виртуал музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида жамият ва маданиятнинг ўзаро таъсирини таъминловчи интерактив-коммунакацион функцияси борасида берилган тизимли маълумотлардан Ўзбекистон музейлар кенгаши томонидан бажарилган “Виртуал музей тизимини жорий қилиш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон музейлар кенгашининг 2018 йил 5 январдаги 01/99-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижалар Ўзбекистонда музейларни виртуаллаштириш муаммоларини аниқлаш, музейлар фаолиятида ахборот тизимини шакллантириш, экспонатларнинг махсус QR-кодларини ва 3D шаклларини яратиш, Интернет тармоғига жойлаштириш орқали бой меросимизни Ўзбекистон халқига ва халқаро жамоатчиликка кенг тарғиб қилишга назарий жиҳатдан асос бўлган;

музей экспонатларини тарихий изчиллик, даврийлик, этнографик, ғоявий-эстетик ва ҳудудий жиҳатларига кўра ишлаб чиқилган саралаш мезонлари ҳамда уларнинг 3D ҳажмли шаклини яратиш учун тайёрланган тарихий маълумотлар базасидан Темурийлар тарихи давлат музейининг мобиль иловаси ва музейнинг 150 дан ортиқ экспонатлари учун махсус QR-кодларини ва 2 та ноёб ашёнинг 3D ҳажмли шаклини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 8 февралдаги 3/1255-310-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижа ва хулосаларнинг қўлланилиши халқимиз ва сайёҳларга қулайлик яратиш, тарихимизни кенг тарғиб қилиш, экспонатлар ҳақидаги кенгайтирилган маълумотларни қизиқарли тарзда тақдим этиш имконини берган;

Ўзбекистон музейларини замонавий технологиялар ёрдамида такомиллаштириш, экспонатларни музей сайтларига жойлаштириш ва улар

орқали ёшларнинг маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, уларнинг онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш борасида берилган амалий тавсиялардан “O‘zbekiston” телеканалида намойиш этилган “Ассалом Ўзбекистон” кўрсатувининг “Тарих тилсими” дастурини ва “O‘zbekiston” радиоканалининг “Виртуал олам” эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2017 йил 30 ноябрдаги 05-15/4881-сонли маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг қўлланилиши замонавий технологиялар орқали ёшларни тарихга, маданиятга бўлган қизиқишини кучайтиришга, Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятларини тарғиб қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро конференцияда: “Основы информатизации музеев Узбекистана” (Москва, 2014); “World experiences of using multimedia technologies in museums and to develop them in Uzbekistan” (Pragua, 2016) ҳамда 12 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Виртуал музейларнинг шаклланиш тарихи: моҳият ва мазмун тушунчаси”** деб номланган биринчи бобда жаҳоннинг ривожланган музейлари қаторидан жой олиши учун музейлар қандай талабларга жавоб бериши кераклиги, томошабинларни жалб этишда музейларда информацион технологияларнинг қўлланилиши, яъни виртуал музейларнинг яратилиш тарихи очиб берилган.

Ушбу бобда музейларнинг негизи ҳисобланган экспозиция ва кўргазма сўзларининг бир қанча маънолари таҳлил этиб ўтилди. Хусусан,

Н. Уэбстернинг инглиз тилидаги изоҳли луғатида “экспозиция” термини “кўз билан кўриб, ақл билан идрок этиладиган – намойиш шакли” деб берилган. “Кўргазма” сўзи эса “санъат асарларининг намойиши” деб таъкидланади⁷.

Замонавий кўргазма мажмуаси бу – мураккаб тасаввур этиладиган бадий – ғоявий комплексдир. Ушбу мажмуанинг ташкил этилиши синтетик санъатдир. Баъзида кўргазмалар моддий экспонатлардан ташқари, биргина матнлар, жадваллар ва цитаталардан тузилган бўлиши мумкин. Бундай кўргазмалар мавзуни ёритишда ижодкорлик, ихтирочиликни ўзида мужассам этиши лозим эканлиги таъкидланган бўлса, музейшунос М. Белчер кўргазма тўғрисида шундай дейди: “Кўргазма бу – аниқ белгиланган жойда, маълум концепция асосида ёзилган, намойиш этилаётган экспонатлар ва қўшимча материаллар орқали янги интерпретация усуллари ва билим олиш манбаи ҳисобланган музей коммуникацияси муҳитидир⁸”.

Замон ўзгариши билан инсонларнинг онги ҳам ўзгариб бормоқда. Эндиликда замонавий ҳаётда музейлар кўргазма яратишда анъанавий вазибалар ва функциялардан биров четга чиқиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириши зарур.

XX аср охирига келиб музей кўргазмалари жиддий тадқиқот объектига айланди. Музей динамик тарзда, идеал ҳолатда тўла қийматли хусусиятга эга ва турли муддатларда мавжуд бўлишига мўлжалланган экспозицион фаолиятнинг универсал шакли ҳисобланди ва музейга жамоа қизиқишини кучайтириб берувчи “музей коммуникациясининг феномени сифатида қараш лозим”, деган хулосага келишга имкон берди. Бугунги кун музейлари фаолияти билан боғланган барча муассаса ва идоралар Интернетгача бўлган даврда шаклланиб, бир пайтлар музейларда фаолият юритаётган мутахассисларнинг биров ўтгач, янги “виртуал” маконни ўзлаштиришларига тўғри келиши хаёлларига ҳам келмаган.

XXI аср музейлар учун инновациялар асри деб белгиланди. Сўнги йиллар мобайнида музейшунослар томонидан оммавий аудиторияни жалб этишдаги кўплаб муҳим масалалар кўриб чиқилмоқда. Мазкур масалалар юзасидан музейни ташкил этувчи илмий ва кўнгилочар воситалар ҳақида, музейнинг атроф муҳити ва жамиятнинг ривожига қай даражада таъсир этиши ҳақида бир қатор фикрлар юритилган. Музейлар элитар белгилардан озод бўлиб, ўтган асрнинг классик концепциясидан йироқлашган ҳолда музей материалларини намойиш этишнинг янги усуллари татбиқ этилди, маданий-таълимий фаолиятнинг ноанъанавий дастурлари ишлаб чиқилди, махсус музей структуралари, қизиқарли туризм дастурлари яратилди.

1990-йилларда музейшуносликка кириб келган “виртуал музей” ибораси бугунги кунда замонавий музейшуносликнинг муҳим бир йўналишига айланди.

⁷ Webster N. An American dictionary of the English language. – New York: Published by S.Converse, 1828.

⁸ Belcher M. Exhibition in museum. Washington: Smithsonian Institution Press, 1991.

Виртуал музей (virtual – худди мавжуд бўлгандек) – реал ҳаётда ёки глобал тармоқда мавжуд бўлган музей ҳақида маълумот⁹. Виртуал музей – бу электрон ташувчиларда интерфаол имкониятларни қўллайдиган, фойдаланувчига уч ўлчовли залларда ҳаракат қилиш, керакли экспонатлар ва маълумотлар билан танишишга имкон берадиган макон¹⁰. Виртуал музей феномени Интернет тармоғи ва ахборот технологиялари синтези туфайли юзага келди. Виртуал музейларни медиамаданиятнинг бир қисми, нашрнинг ўзига хос тури ҳамда инсоннинг атроф олами англашини яхшилашга йўналтирилган коммуникациянинг янги кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин¹¹.

Бугунги кунга келиб, виртуал шаклда кўргазма ташкил этиш реал кўргазма ташкил этишдан кўра осонроқ ва соддароқ бўлади деган, фикрни илгари сурадиганлар ҳам кўплаб учрамоқда. Ваҳоланки, виртуал кўргазма ташкил этиш ишни икки баробар кўпайтиради ва кўргазмани ташкил этишда қатнашувчилар сонини янада оширади. Мисол учун, оддий кўргазма ташкил этиш учун маълум бир илмий гуруҳ (илмий концепция яратиш учун), дизайнер ва бир неча техник ходимлар иштирок этса, виртуал кўргазмани яратишда яна иккита мутахассис, компьютер дизайнери (экспонатларни суратга олиш ва уларга компьютер ёрдамида сайқал бериш учун) ва дастурловчи-аниматор керак бўлади.

Интернет тармоғидаги виртуал музейларнинг аксарияти анъанавий гипермедиа технологияларининг қўлланилишига асосланган¹².

Музейларда экспонатларни виртуаллаштиришда махсус информацион қурилмалар муҳим аҳамият касб этади. Булардан “Элар Ортери P5000”, “ZBE Satellite”, “BookEye GS”, “Minolta PS7000”, “Cruse” ҳамда “VIZERRA” 3D каби сканерларининг аҳамиятли томонлари ва уларнинг музейларда қўлланилишининг ижобий жиҳатлари ўрганиб чиқилди.

Аслида, виртуал музейларнинг икки хил кўриниши мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яъни: ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва маълум бир лойиҳа асосида музейни ва ундаги экспонатларни уч ўлчамли электрон кўринишда Интернет саҳифасига жойлаштириш; музей экспозиция ва кўргазмаларини бойитиш, маълумотларни кенг очиб беришда инновацион технологияларнинг қўлланилиши¹³.

Юқорида биз биринчи турдаги виртуал музейлар ҳақида тўхталдик. Иккинчи кўринишдаги виртуал музейлар кўпроқ ташриф этувчиларнинг танқидий фикрлари асосида вужудга келган. Бу борада дастлаб АҚШ да тадқиқот олиб борилган. Унда асосан, ташриф этувчилар томонидан

⁹ Виртуальный музей [электронный ресурс] // Российская музейная энциклопедия. http://www.museum.ru/rme/sci_asp

¹⁰ Василина Д.С. Виртуальный музей как феномен современной культуры // Музей: память и проекты будущего. Международный журнал исследований культуры: «Эйдос». – 2016. - №3(24). – С. 97.

¹¹ Максимова Т.М. Виртуальные музеи: аналитический обзор зарубежных публикаций // Вестник МГУ. 2015 – №4 (66). – С.79.

¹² Касьянов В.Н., Несгаворова Г.П., Волянская Т.А. Виртуальный музей истории информатики в Сибири // Современные проблемы конструирования программ. – Новосибирск, 2002. – С.170.

¹³ Лебедев А.В Виртуальные музеи и виртуализация музея // Мир музея. – М., – 2010. – №10.– С.5.

билдирилган турли эътирозлар, жумладан, музей экспозициясининг кенг ёритилмаганлиги, кўрғазманинг бадиий ечими талабга жавоб бермаслиги ва бир вақтнинг ўзида экскурсияларнинг кўпайиб кетиши ва уларнинг бири-бирига ҳалақит бериши масаллари ўрганилган. Сўровнома тарзида ўтказилган ушбу тадқиқот натижасида томошабинларга экскурсия давомида кўп маълумот бермасдан, балки уларнинг хоҳишига кўра экскурсия ўтиш кераклиги, уларни экскурсаводнинг маърузаси эмас, балки экспонат ҳақидаги маълумот кўпроқ қизиқтириши аниқланган. Бугунги ривожланган асрда “Музей ва томошабин” масаласини ҳал этишда замонавий музейшуносликда “Ақлли сервис” йўлга қўйила бошлади. Яъни музейларда аудиогидлар, сенсор киосоклар, интерфаол мониторлар, голограммалар жорий қилина бошланди.

Технологик базанинг турига қараб, аудиогидларни иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- махсус қурилмаларга асосланган аудиогидлар ("қаттиқ" аудиогидлар);
- стандарт мобиль қурилмалар – смартфон, планшетлар (мобиль аудиогидлар) негизидаги аудиогидлар.

Кўпинча махсус қурилмалар негизидаги аудиогидларни йирик музейларда учратиш мумкин, чунки бунда жиҳозларни сотиб олиш ва техник хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага бериш пунктларини ташкил қилиш, қувват олдириш ва таъмирлаш каби масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ сезиларли харажатлар музей зиммасига юклатилади. Музейларда аудиогидлар ташриф буюрувчилар учун кўрсатиладиган хизматлардан бири бўлиб, улар алоҳида ҳақ эвазига тақдим этилади. Оммалашиб бораётган мобиль аудиогидларнинг ташриф буюрувчилар смартфонларига ўрнатилиши мумкинлиги музейдан сарф-харажат, ижара, техник хизмат кўрсатишни талаб қилмайди. Шу билан қаторда, музейдан ўз мобиль иловасини ишлаб чиқиш ва турли мобиль платформаларга мослаб мунтазам янгилаб бориш талаб этилади¹⁴.

Сенсор киосоклар ва интерфаол мониторлар эса томошабинга керакли маълумотни хоҳишига кўра танлаш, кўрғазмада фаол иштирок этиш, реал кўрғазмада намоёниш этилмаган ашёлар ва тарихий жараёнлар билан танишиш, музей оламида ўзини эстетик ва маънан эркин ҳис қила олиш имконини беради.

XXI аср музейларида кўрғазмалар замонавий информацион технологиялар ёрдамида татбиқ этилиши ва бу орқали томошабинларга маълумотларни тўлиқ ва таъсирли тарзда етказилиши диссертацияда очиб берилди. Ривожланган мамлакатлар тадқиқотчиларининг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатадики, музей ходимлари кўрғазмаларни ташриф буюрувчиларнинг онгига таъсир этишидан аввал уларни нимадан таъсирланишини билишлари зарур, инсонлар мавзуга эмас, кўпроқ буюмларга қизиқадилар ва уларни кўришга кўп вақтларини сарфлайдилар. Қайси ашё уларда кўпроқ қизиқиш уйғотса, шу буюм тўғрисида кўпроқ

¹⁴ Аудиогид [электрон ресурс]// <https://ru.wikipedia.org/wiki/Аудиогид>.

маълумот олишга интилишлари ва бунда информацион технологиялардан фойдаланиш самарали натижа бериши маълум бўлди¹⁵.

Ташриф буюрувчиларнинг музей тўғрисидаги маълумотни қабул қилишида керакли шароит яратилиши, аудиториянинг музей коммуникацияси билан узвий боғланишида, замонавий технологияларнинг татбиқ этилишида музей ходимлари масъул эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Диссертациянинг **“Виртуал музейларнинг яратилишида халқаро тажрибаларнинг илмий аҳамияти”** деб номланган иккинчи бобида АҚШ, Европа, МДХ ва Осиё давлатлари музейлари фаолиятида музей коммуникацияси назарияси, томошабинларни музейга жалб қилиш ва қулайлик яратишда инновацияларни татбиқ этилиши ўрганилди.

XX асрнинг 60 – йиллари охирида музейшуносликда коммуникатив назарияни канадалик олим Д.Ф. Камерон¹⁶ биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Унинг ишлари музейшунослик назарияси ривожланишида ҳақиқий бурилиш ясаб, музейга бошқача нигоҳ билан қараш, яъни бу жой музей экспонатлари билан мулоқот ўрнатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган маскан сифатида ёндашишга олиб келди. Бу мулоқот асосида музейга ташриф буюрувчидан ашёлар “тилини билиш” талаб қилинса, кўргазма намойиши ташкилотчиларидан ашёларни сўзсиз тушуна оладиган қилиб намойиш этиш талаб қилиниши ётади. Масалага бундай ёндашиш Д.Ф. Камеронга бир тарафдан, музей фаолиятини моҳирона ташкил этилишини, ашёларни тўплаш ва сақлашни таъминлаш, иккинчи томондан эса, музей билан одамлар орасида мулоқот муҳитини яратиш имкониятини бериши ушбу бобда таҳлил қилинди.

Аслида, коммуникация (лотинча *communico* – алоқадорман, мулоқот қиламан) бу – маълумотни бир онгдан иккинчисига етказиб беришдир. Коммуникация албатта қандайдир воситалар бўйича амалга оширилади, унинг сифатида материаллар, объектлар, мантикий конструкциялар, белгили тизимлар, маҳаллий шакллар ва бошқа намоён қилувчи кўринишлар бўлиши мумкин. Коммуникациянинг асоси бу – субъект учун қўлга киритган маълумотни тушунишига мавжуд имкониятларнинг яратилишидир¹⁷.

Бу иш авваламбор намойиш этиш муаммосига оид бўлиб, мазкур жараёнда асосий вазифа тарихни, санъатни ёритувчи экспозицияларни моҳирона ярата оладиган тарихчилар, дизайнерлар, рассомлар зиммасига тушади. Чунки, улар экскурсоводлар сингари экспозицияга жойлаштирилган экспонатлар маъносини сўз билан ифодалаб беришмайди, балки ахборотни томошабинларга сўзсиз етказишни таъминлайдилар. Уларнинг вазифасига (тарихчилар, илмий ходимлар ва санъатшунослар ёрдамида) намойиш этиш жараёнининг таъсирчанлигини ва англаш малакасини ошириш киради. XX –

¹⁵ <http://kulturologia.ru>.

¹⁶ Cameron D.F. Viewpoint the Museums as a communication system and implications for Museum education // Curator, –1968. – №11. P. 33-40.

¹⁷ Пономарев Б.Б. Музей как коммуникационная система: проблемы гармонизации историко-культурного и информационно-деятельностного компонентов. Автореф. дисс. канд. культурол. наук.– Краснодар, 2002.

XXI аср музейларида коммуникацияни ривожлантиришда замонавий технологиялар муҳим ўрин тутди.

Бу борада АҚШ ва Европа музейларида бир қанча ишлар амалга оширилган. 2002 йил Германиянинг Баухаус университети (Веймер шаҳри) қошида 3D ўлчамли витринанинг кенг оммага намойиш қилиниши музей экспозициясини янада таъсирлироқ кўрсатиш имконини берди. Археологлар томонидан топилган динозавр бош чаноғи 3D ўлчамли витринага жойлаштирилган. Витринанинг ичида реконструкция қилинган динозавр суяклари ва мушаклари галограмма орқали кўрсатилган. 2011 йил 10 апрелда эса замонавий намойиш технологияларидан бири – “Dreamos” витринаси намойиш қилинди. Мазкур голографик тасвирни қайтарувчи витрина – янги авлод дисплейлари бўлиб, у реклама соҳасида, музей ишида ва бошқа мақсадлар учун қўлланилди¹⁸.

2011 йилда яратилган “Google” ташкилотининг “Art Project”¹⁹ лойиҳаси эса туризм ва музейшунослик соҳасини тубдан ўзгартирди. Юқорида қайд этилган сканерлар ёрдамида электронлаштирилган экспонатларни веб-саҳифага жойлаштириб, уларни компьютер экранидан четланмаган ҳолда музей залларида сайр қилиш интеръерлар, картиналар, ҳайкалтарошлик асарларини томоша қилиш, уларнинг яратилиш тарихи ҳақида, рассомлар ҳаёти ва ижоди ҳақида мутолаа қилиш, фикр-мулоҳазаларни ёзиб қолдириш, таассурот алмашиш, маслаҳат бериш имкони яратилди. Даствлаб, бу лойиҳа жаҳоннинг 17 та йирик музейларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, у доимий равишда кўпайиб бормоқда. Жумладан, Смитсонов институтидаги Фриер санъат галлереяси, Метрополитен санъат музейи, Фрик коллекцияси, Замонавий санъат музейи (АҚШ), Қадимги миллий галлерея, Берлин картиналари галлереяси (Германия), Қиролича София музейи, Тиссен-Борнемислар музейи (Испания), Миллий галерея, Тейт галлереяси (Буюк Британия), Амстердам Давлат музейи, Ван Гог музейи (Нидерландия), Третьяков галлереяси, Эрмитаж (Россия), Версаль саройи (Франция), Уффици галлереяси (Италия), Камп музейи (Прага).

Илмий тадқиқотлар жараёнида мазкур “Art Project” лойиҳаси каби лойиҳаларни юртимиз музейларида кенг жорий этилиши, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларга, қолаверса вилоятда, чекка қишлоқларда яшайдиган тарих ва санъат ихлосмандларига бирдек фойдали бўлиши аниқланди.

Европа ва АҚШ музейларининг фаолиятида замонавий технологияларнинг ўрни турли музейлар мисолида кўриб чиқилиб, тажрибалари ўрганилди. Хусусан, Британиядаги Британия музейи, Франциядаги Лувр музейларининг мобиль иловаларининг тузилиши, Лейдендаги “Этнология” ва “Натуралис” музейи, Стокгольм мусиқа музейи, Польшадаги Фредерик Шопен музейлари экспозицияларида мультимедиа воситаларининг қўлланилиши, АҚШдаги Метрополитен музейи, Люс номли

¹⁸ <http://3dnews.ru>.

¹⁹ <http://www.googleartproject.com>.

Америка санъати марказида интерактив кўргазмаларни ташкил этилиши, аудиогидлардан фойдаланиш, QR-кодларнинг жорий қилиниш тажрибаси ўрганилди.

МДХ ва Осиё мамлакатларида сўнгги йигирма йил ичида музей соҳасида коммуникациянинг янгича йўналиши – аудиовизуал коммуникация вужудга келди. Бу 1990 йилларда вужудга келган “информацион портлаш” кўрсаткичларидан бири сифатида намоён бўлди. Музейлардаги аудиовизуал коммуникация санъат оламининг янги шакли бўлиб, анъанавий оғзаки коммуникация учун замонавий имкониятларни очиб берди. XX аср инсоният учун бугунги кунда энг яққол тарихий манбани; санъатнинг ва тарихнинг аудиовизуал артефактини тақдим қилди. Музейларнинг аудиовизуал коммуникацияси асосида аудиовизуал артефактлар ва уларнинг намоёиши этилиши ётади. Бунда хужжатларнинг ва тарихий ашёларнинг чексиз намоёиши ифодаланади. МДХ мамлакатларида, хусусан Россияда олиб борилган илмий изланишлар натижасида аудиовизуал коммуникация ҳақидаги тадқиқотлар XX асрнинг 20–30 йилларида ривожланганини кўришимиз мумкин. Бу музейлардаги экспозиция ва экскурсия иши жараёнларида киноматериаллар ва фонозапислардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Бу даврда музей иши учун аудиовизуал меросни сақлаш муҳим ҳисобланган ва махсус кўпсонли кино клублар, синематекалар, аудиовизуал фондлар ташкил этила бошлаган. Аудиовизуал фондларнинг ташкил этилишида ва уларнинг шаклланишида машҳур кинодокументалистлар, этнографлар (Ж.И.Кусто, М.Мид, Р.Флаэрти), кино тарихчилари, кинематографистлар ва аудиовизуал меросни тўпловчилар (А.Лаклуа, А.Лейда, А.Монтегю, Ж.Садуль) ўз ҳиссаларини қўшганлар. Аста-секинлик билан музей ишида аудиовизуал қурилмаларнинг муҳимлиги намоён бўлди ва унинг истиқболлари мавзуидаги илмий мақолалар пайдо бўла бошлади²⁰.

Аслида, Россия музейлари электрон коммуникация тизимларига кечикиброқ кирган бўлсалар-да, ўзларининг чет эл биродарларидан фарқли ўлароқ, эскирган тизимни қайта кўриб янгилаш учун вақт кетказмай, бирданига юқори технология ва усуллардан фойдаланишди. Тадқиқот доирасида юқори технология ва усуллардан фойдаланилган музейлар фаолияти ўрганилди. Айниқса, бутун жаҳон музейларининг замонавийлашуви учун 2014 йилда Россияда ташкил этилган навбатдаги “Интер музей” кўргазмаси муҳим аҳамият касб этди. Сабаби бу галдаги фестиваль “Музейлар рақамли даврда”, “Музейлар информацион оламда” шиори остида ўтказилди. Ушбу фестивал музей технологиялари билан шуғулланувчиларнинг фикр алмашилиши ва янги технологияларнинг яратилиши, музей тараққиёти тенденциясини кузатиш имконини берди²¹.

Қозоғистонда музейларни виртуаллаштириш чора-табдирлари амалга оширилаётганини кузатиш мумкин. Маданият соҳаси учун махсус Интернет саҳифаси яратилган бўлиб, унга бир нечта музейларнинг виртуал кўриниши

²⁰ Еременко Е.Д. Аудиовизуальная коммуникация в музейной сфере: Автореф. дис....канд. культурол. наук. – Спб., 2000.

²¹ Новости культуры. Эфир от 04.06.2014. (23:30).

жамлаштирилган²². Саҳифада “Хазрет-сутлан” музей-кўриқхонаси²³, Қозоғистон Республикаси марказий давлат музейи²⁴, Қозоғистон Республикаси миллий музейи²⁵, Шимолий Қозоғистон вилояти ва Петропавлов тарихи музейларининг²⁶ виртуал шакли ўрин олган.

Замонавий музей коммуникацияси Осиё музейларида ҳам ўз касини топганини кўришимиз мумкин. Озарбойжондаги Қобустон Миллий музейи Бокудан унча узоқ бўлмаган масофадаги Қобустон ёдгорликларида қурилган янги виртуал музейлар сирасига киради. Музей экспозицияси асосан тош даври ёдгорликларини ўз ичига олган. Музейнинг энг аҳамиятли томони шундаки, унда тарих, археология билан боғлиқ ҳар бир моддий манба инновацион технологиялар орқали намоиш этилади. Бу барча томошабинлар учун музей экспонатларининг таъсирли ва қизиқарли бўлишига олиб келади. Хусусан, музей хоналарини айланганда хоналардаги қадимги ҳайвонлардан архар, зубр ва бошқаларнинг тасвири мультимедик эффектлар орқали полда ўз аксини беради.

Экспозицияда тош давридаги одамларнинг турмуш тарзи акс эттирилган. У ерга ўрнатилган сенсор киоск ёрдамида томошабин камон отишб кўриши мумкин. Музей тарихий билимларни инновацион тарзда оширишга хизмат қилади²⁷.

Кўриниб турибдики, коммуникация музей фаолиятида турли категориядаги аудитория вакиллари билан ишлаш шаклини кенгайтиришнинг муҳим усули ҳисобланади. Бу жараёнда информацион ва интерактив технологияларни қўллаш музейни маданий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этишга чақиради.

“Ўзбекистонда виртуал музейлар ташкил топиши: муаммолар ва истикболлар” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон музейларини замонавийлаштириш, тарихга йўналтирилган ва бошқа йирик музейларни виртуаллаштириш, замонавий техник воситалар билан бойитиш ва Интернет тармоғида саҳифасига эга бўлиш муаммолари ечими таҳлил қилинди.

Ўзбекистон музейлари Ўзбекистон мустақиллигига эришганидан сўнггина ўзининг ҳақиқий фаолиятини бошлади. Ўзбек халқи тарихи, маданияти ва қадриятларига эътибор мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг асрлар давомида бутун цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси музей экспозицияларида ўзининг аксини топди²⁸.

Музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро

²² <https://afisha.kz/art/stati-obzory-2/article/virtualnye-muzei-kazahstana>.

²³ <http://dp.azretsultan.kz>.

²⁴ <http://www.csmrk.kz/index.php/mnu-exposition/mnu-virtual-obzor>.

²⁵ <http://nationalmuseum.kz/3dtour/museum.html>.

²⁶ <http://history1752.su/virtualnyj-tur-po-kraevedcheskomu-muzeyu>.

²⁷ Процесс создания экспозиции: Гобустанский музей петроглифов. – YouTube. Ddstudiotv. 31.05.2013.

²⁸ Исмоилова Ж. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент, 2016. – Б.4.

стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаган ҳолда замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўлларини бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади²⁹.

Замонавий музей ишини такомиллаштиришнинг энг асосий омилларидан бири бу – кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда махсус дастур яратилиши ёки сотиб олиншидан иборатдир. Музей ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлмиш музейларнинг улкан имкониятларини очиб бера олиши лозим³⁰.

Музейлар нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилиш учун янги усулларни ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам намойиш этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Юқори технологияларни, экспозицияларни намойиш этишдан ташқари, фонд фаолиятига ҳам жорий этиш масалалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон музей ишидаги долзарб ижтимоий-маданий муаммоларни ўрганиб чиқишда Республикадаги музейлар фаолияти ҳам тадқиқ этилди. Бу борада ЎЗР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Термиз археология музейи, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек музейи, Хива Ичан-қалъа Давлат музей кўрикхонасига илмий сафарлар уюштирилди.

